



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 01 | pp. 304-312 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАД БАЗАСИНИНГ ТАРКИБИ ВА ДИНАМИКАСИ (АТ АСАКАБАНК МИСОЛИДА)



Тогаев Салим Собирович

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
ТДИУ Самарқанд филиали

“Молия, солиқ ва банк иши” кафедраси доценти

E-mail: sts-bank@bk.ru, тел: (93) 720-86-86, ORCID ID: 0000-0002-3170-9181

Аннотация. Мазкур мақолада тижорат банкларининг даромад базасининг таркиби ва динамикаси АТ Асакабанк мисолида келтирилган. Шунингдек, банкнинг активлар ва капитал рентабеллиги, кредитлардан олинган даромадлари, кредит портфели таркиби ҳамда соф фоизли маржанинг даражаси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. тижорат банклари даромад базаси, активлар рентабеллиги, кредит портфели, капитал рентабеллиги, соф фоизли маржа.

СОСТАВ И ДИНАМИКА ДОХОДНОЙ БАЗЫ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ (НА ПРИМЕРЕ АСАКАБАНКА)

Тогаев Салим Собирович

Доктор философии по экономике (PhD), доц. кафедры «Финансы, налогообложение и банковское дело» Самаркандский филиал ТГЭУ

Аннотация. В данной статье состав и динамика доходной базы коммерческих банков представлены на примере АТ Асакабанка. Также были проанализированы рентабельность активов банка, рентабельность капитала, доходы от кредитов, структура кредитного портфеля и уровень чистой процентной маржи.

Ключевые слова. доходная база коммерческих банков, рентабельность активов, кредитный портфель, рентабельность капитала, чистая процентная маржа.

COMPOSITION AND DYNAMICS OF THE REVENUE BASE OF COMMERCIAL BANKS (AT ASAKABANK AS AN EXAMPLE)

Togaev Salim Sobirovich

Doctor of Philosophy in Economics (PhD), docent,
Department of "Finance, taxation and banking" of the SB TSUE

Abstract. In this article, the composition and dynamics of the income base of commercial banks is presented on the example of AT Asakabank. Also, the bank's profitability of assets, profitability of capital, income from loans, structure of loan portfolio and the level of net interest margin were analyzed.

Key words. profit base of commercial banks, profitability of assets, loan portfolio, return on capital, net interest margin.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш» тўғрисидаги фармонларида тижорат банкларининг даромад базасини шакллантириш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганлиги, тижорат банкларининг даромад базасини мустақамлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор вазифаларнинг, жумладан кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, тижорат банклари кредитларининг ҳажмини барқарор ўсишини таъминлаш, банкларнинг ресурс базасини мустақамлаш, банкларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш каби вазифаларнинг қўйилганлиги ва Ўзбекистон тижорат банкларининг даромад базасини шакллантириш ва бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларнинг мавжудлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.[1,2]

Банклар кредит портфелининг сифатини ёмонлаштириши ҳақиқатда қуйидаги салбий ўзгаришларга олиб келади:

- *капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи пасаяди;
- *фоизли даромадларнинг брутто даромад ҳажмидаги салмоғи пасаяди;
- *баланслашмаган ликвидлик муаммоси чуқурлашади.

Адабиётлар таҳлили

Проф. Ж.Синкининг фикрига кўра, тижорат банкларининг даромад базасига баҳо беришда соф фоизли маржа кўрсаткичи муҳим ўрин тутаети. Соф фоизли маржа банк активлари миқдорига тескари пропорционал бўлиб, кредитлар ва депозитлар бозоридаги юқори даражадаги рақобат унинг даражасига кучли таъсир кўрсатади.[4]

Ҳақиқатдан ҳам, соф фоизли маржа банкларнинг даромад базасига аниқроқ баҳо бериш имконини беради. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, соф фоизли маржа соф фоизли даромаднинг брутто активларга нисбатан даражасини кўрсатади, соф фоизли даромад эса, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади; иккинчидан, тижорат банкларининг фоизли даромадлари уларнинг асосий фаолият йўналишларидан олинади ва шунинг учун ҳам улар банкларнинг ялпи даромади таркибида ўзига хос, муҳим ўрин тутаети (тижорат банклари учун асосий ва


бирламчи фаолият йўналишлари бўлиб, кредитлар бериш ва қатъий белгиланган ставкага эга бўлган қимматли қоғозларга инвестиция қилиш ҳисобланади).

Фоизли даромадларда узоқ муддатли кредитлашдан олинadиган даромадлар, фоизсиз даромадларда эса комиссия тўловлар ва хизматлар учун тўловлардан олинadиган даромадлар устунлик қилади.[3]

Уэрта де Сотонинг фикрига кўра, биринчидан, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини пасайиши бунга қадар фойда келтирмаётган инвестиция лойиҳаларини фойда келтирадиган инвестиция лойиҳаларига айлантиради; иккинчидан, банклар томонидан ихтиёрий жамғармалар билан таъминланмаган кредитлар ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилиши, пировард натижада, инвестиция лойиҳаларининг барбод бўлишига ва берилган кредитларнинг қайтмаслигига олиб келади.[5]

Натижа ва таҳлиллар

Тижорат банклари даромад базасини мустаҳкамлашнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш натижалари кўрсатдики, брутто активлар ва регулятив капиталнинг рентабеллиги банкларнинг даромад базаси барқарорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар бири бўлиб ҳисобланади.



1-расм. АТ “Асакабанк”да активлар ва капиталнинг рентабеллиги, фоизда[7,9]

1-расмдан кўра бўладики, АТ “Асакабанк” активларининг рентабеллик даражаси 2019-2023 йилларда паст ва нобарқарор бўлгани ҳолда, 2023 йилда 2019 йилга нисбатан пасайган.

Шунингдек, АТ “Асакабанк”да капиталнинг рентабеллик даражаси 2019-2023 йилларда паст ва нобарқарор бўлгани ҳолда, 2023 йилда 2019 йилга нисбатан пасайган.

Регулятив капиталнинг рентабеллиги тижорат банкининг бозор қийматини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу эса, регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғини барқарор даражада сақлаш заруриятини юзага келтиради.

Эътироф этиш жоизки, тижорат банклари регулятив капиталнинг меъёрий даражадаги рентабеллигини таъминлаш соф фойданинг ўсиш суръатини регулятив капиталнинг ўсиш суръатига монандлигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикаимиз тижорат банклари активларининг таркибига ва унда кредитнинг улушига эътибор қаратамиз ва хулоса қиламиз.

1-жадвал

Ўзбекистон тижорат банклари активларининг таркиби, фоизда[6,8]

Активлар таркиби	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.	2023й.
Кассали активлар шу жумладан:	17,1	17,2	17,3	18,1	20,0
Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	2,5	2,4	2,7	2,4	3,5
Марказий банкдаги маблағлар	5,3	5,4	5,1	7,1	6,6
Бошқа банкдаги маблағлар-резидент	3,0	3,7	3,6	3,0	3,1
Бошқа банкдаги маблағлар-норезидент	6,3	5,7	5,9	5,6	6,8
Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	1,1	1,2	2,6	4,4	5,7
Мижозларнинг молиявий инструментлар бўйича мажбуриятлари	0,9	0,2	0,4	0,3	0,3
Кредитлар	76,8	76,1	73,8	71,1	68,1
Асосий воситалар	1,6	2,1	2,3	2,5	2,6
Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар	1,3	1,2	2,2	2,1	2,2
Бошқа активлар	1,2	2,0	1,4	1,5	1,1
Активлар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

1-жадвал маълумотларидан аниқ кўринадики, мамлакатимиз тижорат банклари активларининг таркибида кредитлар энг юқори салмоққа эга, ундан кейинги ўринда кассали активлар юқори салмоқни эгаллайди. Аслида, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар банк активлари таркибида, кредитларга қилинган инвестициялардан кейинги ўринда бўлиши керак. Сабаби, банкнинг асосий даромад манбаи сифатида қуйидаги фаолият турлари эътироф этилган, булар қуйидагилар, кредитлар бериш ва қимматли қоғозларга инвестициялар қилиш. Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар республикаимиз тижорат банкларининг активлари таркибида салмоғига кўра учинчи ўринни эгаллайди.

Брутто активлар миқдорининг ўсиш суръати билан соф фойда миқдорининг ўсиш суръати ўртасида мутаносиблик таъминланмаган ҳолларда, ушбу икки кўрсаткични таркибий таҳлил қилиш талаб этилади.

2-жадвал**АТ “Асакабанк” да кредитлардан олинган даромадларнинг жами даромаддаги улуши, фоизда[7,9]**

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2019	2020	2021	2022	2023
Кредитлардан олинган фоизли даромадлар, млрд. сўм	1 724	2 137	1 216	2 824	3 728
Жами даромад млрд. сўмда	3 454	5 171	2 668	5 009	7 698
Фоизда улуши	50	41	46	56	48

2-жадвал маълумотларидан кўrsa бўладики, АТ “Асакабанк” да жами даромадлар таркибида кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг миқдори 2021-2023 йилларда ўсиши кузатилган.

2-жадвал маълумотларидан кўrsa бўладики, АТ “Асакабанк” да даромадларнинг миқдори 2021-2023 йилларда ўсиши кузатилган.

2-жадвал маълумотларидан кўrsa бўладики, АТ “Асакабанк”нинг ялпи даромади таркибидан кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг улуши 2023 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса, ушбу даврда фоизсиз даромадларнинг ўсиши ҳисобига юз берган.

3-жадвал маълумотларидан кўrsa бўладики, АТ “Асакабанк” да кредитлаш амалиёти ошиб бораётганлиги ҳисобига 2019-2023 йилларда кредит портфелининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, биринчидан, АТ “Асакабанк”нинг миллий иқтисодиёт субъектларини, шу жумладан, автомобиль саноатини кредитлашдаги ролининг ошиб бораётганлиги билан; иккинчидан, АТ “Асакабанк” кредитларининг объекти бўлган хом-ашё ва товарларнинг баҳоларини инфляция ва девалвация таъсири ҳисобига ошиб бораётганлиги билан изоҳланади. Жумладан, 2017 йил 5 сентябрда девалвация даражаси қарийб икки баробарга юқорилаганлиги (сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан курси амалдаги 4210,00 сўмдан 8100,00 сўмга кўтарилди) импортнинг кескин қимматлашишига олиб келди.

3-жадвал**АТ “Асакабанк” кредитлари ва уларнинг даромадлиги, фоизда[7,9]**

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2019	2020	2021	2022	2023
Кредитлар, млрд. сўм	26 321	34 122	37 685	36 741	39 213
Кредитлардан олинган фоизли даромадлар, млрд. сўм	1 723	2 136	2 398	2 824	3 728
1 сўмлик кредитга тўғри келадиган даромад даражаси,	6,5	6,3	6,4	7,7	9,5

%					
---	--	--	--	--	--

3-жадвал маълумотларидан кўrsa бўладики, АТ “Асакабанк”да жами даромадлар таркибида кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг миқдори 2021-2023 йилларда ўсиши кузатилган.

3-жадвал маълумотларидан кўrsa бўладики, АТ “Асакабанк” кредитларининг даромадлилик даражаси 2019-2021 йилларда пасайиш тенденциясига кузатилган. Лекин, мазкур кўрсаткич 2023 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада кўпайган. Бу эса, АТ “Асакабанк”нинг даромад базасининг барқарорлигини таъминлаш жиҳатидан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Қуйида АТ “Асакабанк” кредитларининг риск даражасини баҳолаймиз.

4-жадвал

АТ “Асакабанк” кредит портфелининг тармоқ таркиби, фоизда[7,9]

Тармоқлар	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.	2023й.
Саноат	62,8	68,2	70,6	67,2	63,9
Қишлоқ хўжалиги	6,8	5,5	4,3	4,0	3,6
Транспорт ва коммуникация	1,2	1,9	1,8	1,8	1,7
Қурилиш	1,2	1,2	1,3	1,0	1,0
Савдо ва умумий овқатланиш	3,9	4,4	4,9	4,6	3,4
Моддий-техника таъминоти	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Уй-жой коммунал хўжалиги	0,5	0,4	0,4	0,3	0,4
Бошқа тармоқлар ва соҳалар (шу жумладан жисмоний шахслар)	23,6	18,4	16,7	21,1	27,0
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0


4-жадвал маълумотларидан кўrsa бўладики, АТ “Асакабанк” кредит портфелининг тармоқлар ва соҳалар бўйича диверсификация даражаси 2019-2023 йилларда жуда паст бўлган. Бунинг асосий сабаби, таҳлил қилинган даврлар мобайнида АТ “Асакабанк” кредит портфели таркибида энг юқори улдушни (62 - 71 фоизгача) мамлакат иқтисодиётнинг саноат тармоғини ривожлантириш мақсадида ажратилган кредитлар эгаллайди. Аслида, ғарб иқтисодий адабиётларида умумэтироф этилган мезонларга кўра, тижорат банклари кредит портфелининг ялпи ҳажмида битта тармоқ корхоналарига кредитларнинг 25 фоиздан ортиқ қисми тўпланиб қолиши мақсадга мувофиқ эмас.

4-жадвал маълумотларидан кўrsa бўладики, АТ “Асакабанк”нинг кредит портфелида мамлакатимиз иқтисодиётнинг қуйидаги таянч тармоқларига ажаратилган кредитларнинг салмоғи жуда кичик ўринни эгаллайди: Булар қуйидагилар, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникация, қурилиш тармоқлари.

Кредит портфелининг диверсификация даражаси паст бўлган тижорат банкларида улар фаолиятидаги кредит риси даражасини пасайтиришга тўсқинлик қилади.

Тижорат банкларинг энг юқори даромад манбаиси фатида эътироф этилган кредит ажратиш фаолияти бўйича кредит рискининг даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасининг даражаси кўрсаткичи ҳисобланади.

Қуйида АТ “Асакабанк” кредитлари бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасининг даражасини баҳолаймиз.




2-расм. АТ “Асакабанк” да кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, фоизда[7,9]

2-расм маълумотларидан кўрса бўладики, АТ “Асакабанк” кредит портфелида таснифланган кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси 2019-2023 умумэътироф этилган чегаравий даражасидан (1,0 %) баланда бўлган. Мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2019, 2021 ва 2022 йилларда кредит портфели таркибида «қониқарсиз», «шубҳали», «умидсиз» деб таснифланган кредитлар миқдори юқори бўлган. Бу эса, АТ “Асакабанк”нинг даромад базасини шакллантириш ва бошқариш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, соф фоизли маржа кўрсаткичи тижорат банкларининг молиявий хавфсизлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Қуйида АТ “Асакабанк”нинг соф фоизли маржа кўрсаткичи даражасини баҳолаймиз.



3-расм. АТ “Асакабанк”да соф фоизли маржанинг даражаси, фоизда[7,9]

3-расм маълумотларидан кўrsa бўладики, АТ “Асакабанк”да соф фоизли маржанинг даражаси 2019-2021 йилларда камайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, АТ “Асакабанк”нинг даромад базасини шакллантириш ва бошқариш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади. Бироқ, ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада (0,6 ф.п) ошган, лекин 2023 йилда яна пасайган.

Хулоса

Тижорат банклари даромад базасининг таркиби ва динамикасини яхшилаш борасида қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банкларининг даромад базасига баҳо беришда соф фоизли маржа кўрсаткичига алоҳида эътибор қаратиш.
2. Даромад манбаларини диверсификация қилиш.
3. Яшил молиялаштириш орқали барқарор даромад базасини яратиш.
4. АТ Асака банкининг аквтилар ва капитал рентабеллигини янада ошириш.
5. АТ Асака банкининг кредитлардан олинган даромадларнинг жами даромаддаги улушини барқарорлаштириш.
6. АТ Асака банкининг кредит портфели таркибида миқдори нисбатан бўлган «қониқарсиз», «шубҳали», «умидсиз» деб таснифланган кредитларни камайтириш.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш» тўғрисидаги Фармони

3. А.А. Рахимов. Анализ динамики формирования доходов коммерческого банка “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2014 йил

4. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С.338.

5. Уэрто де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 666 с.

6. <https://cbu.uz/uz/statistics/bankstats>

7. <https://asakabank.uz/uz/shareholder-investors/home?tab=financial-indicators>

8. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

9. АТ “Асакабанк”нинг 2019-2023 молиявий йилларнинг якуни бўйича эълон қилинган молиявий ҳисоботларининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

